

**МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/02.30.12.2019.Tar.45.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ

АСЛАНОВ АБДУВАЛИ ПУЛАТОВИЧ

**МАРКАЗИЙ СУҒДНИНГ ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИЙ
ТОПОГРАФИЯСИ**

**07.00.06 – Археология
(тарих фанлари)**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Асланов Абдували Пулатович

Марказий Суғднинг ўрта асрлар даври тарихий топографияси.....3

Асланов Абдували Пулатович

Историческая топография периода средневековья Центрального Согда 23

Aslanov Abduvali

Historical topography of the Middle Ages of the Central Sogd.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/02.30.12.2019.Tar.45.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ

АСЛАНОВ АБДУВАЛИ ПУЛАТОВИЧ

МАРКАЗИЙ СУҒДНИНГ ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИЙ
ТОПОГРАФИЯСИ

07.00.06 – Археология
(тарих фанлари)

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tar714 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Миллий археология марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.archaeology.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Аскарлов Аҳмадали Аскарлович
тарих фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар: Бобоёров Ғайбулла Боллиевич
тарих фанлари доктори

Ғофуров Жасур Исокович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Миллий археология маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/02.30.12.2019. TAR.45.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «8» июнь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 81-уй). Тел.: (99871) 233-70-81, e-mail: uzarchae@academy.uz.

Диссертация билан Миллий археология маркази Самарқанд филиали- Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (5076 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140151, Самарқанд шаҳри, Воҳид Абдуллаев кўчаси, 3-уй). Тел./факс: (99866) 232-15-13).

Диссертация автореферати 2022 йил «17» май куни тарқатилди.
(2022 йил «17» майдаги «4» рақамли реестр баённомаси).



Ф.А.Максудов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Д.Х.Муродова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

А.Анарбаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарихшунослигида Марказий Осиёнинг IX-XII асрлардаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий тарихини ўрганишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Зеро, ривожланган ўрта асрлар даври тарихшунослар томонидан Мусулмон Ренессанси деб номланиб¹, бу даврда шаҳар маданияти гуллаб яшнади, монументал бинолар қурилиши жадаллашди, жаҳон илму фани ривожига ўз ҳиссасини қўшган буюк сиймолар етишиб чикдилар ва турли илмий марказлар ташкил этилиб фаолият олиб бордилар. Шу жиҳатдан, Шарқ ренессансини шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш, бу даврдаги урбанистик жараёнлар, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва мафкуравий ўзгаришларни тадқиқ этиш ва кейинги тарихий давр босқичларида унинг таъсирини аниқлаш дунё тарихшунослиги тадқиқотининг асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Марказий Осиё тарихи борасида изланиш олиб бораётган нуфузли илмий марказларда мусулмон ренессанси деб аталмиш ривожланган ўрта асрлар тарихи, моддий маданияти билан биргаликда тарихий маданий ҳудудлар ва улардаги шаҳарларнинг тарихий топографиясига катта эътибор қаратилмоқда. Бунда ёзма ва археологик манбаларни қиёсий таҳлил қилиш билан биргаликда замонавий тадқиқот усуллари, жумладан ГАТ усулларини қўллаш ва шу орқали ҳудудларнинг чегаралари, шаҳар ва қишлоқлар локализацияси каби муаммоларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг кўп асрлик бой моддий-маданий мероси ва тарихини чуқур ўрганиш ҳамда жаҳон ҳамжамиятига тарғиб қилиш устувор масалалардан бирига айланди. Юртимиздаги қадимий шаҳарларнинг шаклланиши, ривожланиши борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Айниқса қадимги ва ривожланган ўрта асрларда Марказий Суғд деб юритилган тарихий-маданий ўлка - Самарқанд Суғдининг тарихий шаҳарлари борасида кенг қамровли изланишлар олиб борилмоқда. Шарқ ренессансининг бешикларидан бири ҳисобланган Самарқанднинг ЮНЕСКО раҳномалигида 2750 йиллиги кенг нишонланганлиги², Кофирқалъа, Дабусия, Қулдортепа каби Суғднинг йирик шаҳарларида олиб борилган изланишлар шулар жумласидандир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу йўналишда кенг қамровли изланишлар олиб бориш, замонавий тадқиқот усуллари қўлланган ҳолда ўрганиш ва бу орқали ҳудуднинг тарихий топографияси, моддий ва маънавий ҳаёти масалаларини ёритиш, тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини

¹ Мец А. Мусульманский Ренессанс. - М., 1973. - С. 269.

² Самарқанднинг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. - Тошкент - Самарқанд, 2007.

ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5150-сон «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йилдаги 792-сон қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон археологиясидаги муаммолардан бири тарихий-географик ўлкаларда шаҳарсозлик маданиятининг турли даражада ўрганилишидир. Бу борадаги дастлабки изланишлар XX аср биринчи чорагидан бошланган бўлиб, асосан, шаҳар маъмурий бирликларнинг чегаралари, локализацияси ва тарихий топографияси масалаларига бағишланган. Хусусан, Марказий Суғднинг тарихий топографияси, рустоқлари, шаҳарларнинг локализацияси бўйича В.Л. Вяткин, А.Ю. Якубовский, И.А. Сухарев, Г.В. Григорьев, А.И. Тереножкин, В.А. Шишкин кабилар илмий изланишлар олиб борган³. Ушбу тадқиқотларда Марказий Суғднинг турли даврларда маъмурий ҳудудий бирликларга бўлиниши, айрим археологик ёдгорликларнинг ёзма манбаларда қайд этилган шаҳар ва қишлоқларнинг локализацияси масалалари ёритилган. Кейинчалик О.Г. Большаков Ўрта Осиёнинг тарихий ҳудудлари, жумладан Марказий Суғддаги шаҳар ва қишлоқларни ёзма манбалар асосида таҳлил қилиб, уларнинг локализацияси масалаларига аниқлик киритишга муваффақ бўлади⁴.

Мустақиллик йилларида Марказий Суғднинг ўрта асрлар шаҳарлари тарихий топографияси, илк ўрта асрлардаги маъмурий, сиёсий тузилиши, Марказий Суғднинг жанубий-шарқий қисми қишлоқ маконлари масалалари⁵, Маймуруғ мулклигининг ўрта асрлардаги моддий маданияти масалалари ўрганилган⁶. Шу билан бирга сўнгги йилларда Марказий Суғднинг ирригация тармоқлари, археологик ёдгорликларни тизимлаштириш, Дабусия,

³ Якубовский А.Ю. Из истории археологического изучения Самарканда // ТОВЭ. Т. II. - Л., 1940; Шишкин В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей // Афрасиаб. Вып. I. - Ташкент, 1969; Вяткин В.Л. Афрасиаб - городища бывшего Самарканда. - Ташкент, 1927; Вяткин В.Л. Материалы к исторической топографии Самаркандского вилайета // Справочная книга Самаркандской области. Вып. VII. Самарканд, 1902; Сухарев И.А. Археологические исследования и составление археологической карты Самаркандской области // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Т. III. Самарканд, 2016. С. 213-238.

⁴ Большаков О.Г. Средневековый город Ближнего Востока VII-середины XIII в. Социально-экономические отношения. - М., 1984.

⁵ Аскарлов К.К. Сельские поселения южных районов Самаркандского Согда в раннем средневековье (типология систем расселения) // Афтореф. дис... канд. ист. наук. - Ташкент, 1995.

⁶ Сандибоев А.Н. Маймуруғ мулклиги илк ўрта асрларда (археологик ва ёзма манбалар асосида) // Тарих фанлари бўйича фалсафа докторли (PhD) диссертацияси автореферати. - Самарканд, 2020.

Кулдортепа, Афросиёб каби шаҳарлар моддий маданиятини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда⁷.

Ҳозирги кунда Марказий Суғд тарихий топографияси кенг ёритилганига қарамасдан, мазкур муаммо билан боғлиқ кўпгина масалалар, шу жумладан, айрим шаҳарлар ва қишлоқларнинг локализацияси, улар ўртасидаги муносабатлар, рустоқлар ва уларнинг географик чегаралари ҳамда уларнинг марказларини аниқлаш янги тадқиқот усуллари, жумладан ГАТ тизими ёрдамида ушбу масалага оид илмий маълумотларни қайта таҳлил қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎзР ФА Археология институтининг “Марказий, Шимоли-Шарқий Ўзбекистоннинг илк ва ривожланган ўрта асрлар тарихий топографияси (археологик материаллар мисолида)” (Ф1-ФА-0-19751) мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар дастури лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади археологик ва ёзма манбалар асосида Марказий Суғднинг IX-XII асрлар бошларига оид тарихий топографиясини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Археологик ва геоморфологик тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, Зарафшон воҳасининг табиий географик шароитини таҳлил қилиш;

Ёзма ва археологик манбаларнинг илмий таҳлили асосида ривожланган ўрта асрлар даври Марказий Суғднинг шаҳарлари ва рустоқлари локализациялари акс этган тарихий географик харитани ишлаб чиқиш;

Ёзма ва археологик манбаларнинг илмий таҳлили асосида Марказий Суғднинг ўрта асрлар даври шаҳарлари ва рустоқларининг тарихий топографиясини археологик қазув тадқиқотлар натижаларини қиёсий ёритиш ва уларнинг локализацияси билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ ва таҳлил қилиш;

Марказий Суғд шаҳарлари ва рустоқлари бўйлаб ўтган Буюк Ипак йўли тармоқларини аниқлаш ва унинг шаҳарлар тараққиётидаги аҳамиятини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Марказий Суғднинг рустоқлари, ўрта асрлар даврига оид шаҳар ва қишлоқларининг тарихий топографияси танланган.

Тадқиқотнинг предметини Марказий Суғднинг ўрта асрлар даври тарихий топографияси тарихини ёритиш билан боғлиқ археологик материаллар ва ёзма манбалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида диссертацияда даврий, таснифий, қиёсий-типологик ҳамда тарихий - қиёсий усуллардан фойдаланилган.

⁷ Саидов М.М. IX-XIII аср бошларида Самарқанд турар жойлари ва уларнинг Суғд қурилиш маданиятидаги ўрни // Тарих фанлари бўйича фалсафа докторли (PhD) диссертацияси автореферати. - Самарқанд, 2018; Кубаев С.Ш. Илк ўрта асрлар Суғд қурилиш маданияти (археологик материаллар асосида) // Тарих фанлари бўйича фалсафа докторли (PhD) диссертацияси автореферати. - Самарқанд, 2020.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёзма манбалар ва археологик материалларни ГАТ ёрдамида қиёсий таҳлил қилиш натижасида Марказий Суғд рустоқларининг тарихий жойлашув чегараларини ўз ичига олган археологик харита яратилган;

Марказий Суғддаги археологик ёдгорликларни тарҳи, географик жойлашуви ва уларни ёзма манбалар билан қиёслаш асосида Дарғом рустоқи маркази Дўрмонтепа археологик ёдгорлиги билан, Абгор - Каттатепа, Ҳазора Жўш-Бекқўғонтепа, Зормон эса шу ном билан юритилган ёдгорлик билан локализация қилинган;

археологик ёдгорликларни локализацияси, улар орасидаги масофалар асосида Исбискат ва Иштихон орқали Самарқанд - Бухоро йўли, Жом ва Тахтиқорача доволари орқали Самарқанд – Насаф – Кеш - Термиз йўли, Самарқанд-Видор - Марбон – Ҳазора-Жўш орқали Суғднинг Шимолий Темир дарвозаси йўли каби Буюк Ипак йўли тармоқлари харитаси ишлаб чиқилган;

Чуяқўрғон ёдгорлигида олиб борилган археологик изланишлар, ёдгорликнинг жойлашуви ва тарихий топографияси асосида ёдгорлик Ҳазора-Жўш шаҳри ҳамда Нурота оралиғидаги карвонсарой вазифасини бажарганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Археологик ва ёзма манбалар асосида Марказий Суғднинг илк ва ривожланган ўрта асрлар даври тарихий топографияси тадқиқ этилиб, унинг таркибида бўлган шаҳар ва рустоқлар локализациясига аниқлик киритилган;

Диссертация материаллари асосида Булунғур, Жомбой ва Оқдарё туманларининг археологик ёдгорликлари каталоглари чоп этилиб, амалий натижаларнинг бири сифатида оммалаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Марказий Суғднинг тарихий топографияси, тарихий географиясига оид янги археологик материаллар ва уларни ёзма манбалар билан қиёсий таҳлил қилиш натижасида чиқарилган хулосалар ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, илмий муаммонинг аниқ қўйилгани, қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг тарихий-географик таҳлил усуллари ёрдамида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация мавзусига оид назарий-услубий ёндашувлар Марказий Суғднинг илк ва ривожланган ўрта асрлар даври тарихини кенг ва чуқур ўрганишга, қўлланилган усулларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса диссертация тадқиқоти давомида ўрганилган ва тўпланган маълумотлардан ўлка тарихини яратиш, тарихий география, археология, этнографияга оид ўқув қўлланма ва дарслик яратиш, малака ошириш курсларида семинарлар ташкил этиш ҳамда тарихий-маданий меросни тарғиб қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: «Марказий Суғднинг ўрта асрлар даври тарихий топографияси» мавзусидаги фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация бўйича қўлга киритилган илмий натижалар асосида:

Марказий Суғднинг ўрта асрлар даврига оид ёдгорликларининг жойлашуви харитаси, археологик ёдгорликларни тархи, географик жойлашуви ва уларни ёзма манбалар билан қиёслаш асосида аниқланган Дарғом рустоқи маркази Дўрмонтепа, Абгор - Каттатепа, Ҳазора Жўш-Бекқўғонтепа, Зормон эса шу ном билан юритилган ёдгорликлар билан қилинган локализацияси, шунингдек, Кофирқабла, Добусия каби археологик ёдгорликларидан қўлга киритилган маълумотлардан ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институтида 2014-2017 йилларда бажарилган ФА-А1-Г012 “Жанубий Суғднинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихий топографияси (археологик ва ёзма манбалар асосида)” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 16 ноябрдаги 3/1255-3180-сон маълумотномаси). Натижада, қадимги Суғднинг ўрта асрлар даври археологик ёдгорликлари ҳисобга олинди ва ҳозирги кунда уларнинг сони ва географик жойлашувига аниқликлар киритилган;

Буюк Ипак йўлининг савдо йўллари, Ҳазора-Жўш шаҳри ҳамда Нурота оралиғидаги карвонсарой вазифасини бажарганлиги Чуяқўғон ёдгорлиги, Кофирқабла ва Қулдортепа ёдгорликларининг тарихий топографияси, географик ўрни, унда олиб борилган археологик тадқиқотлар таснифи, қурилиш меъморчилиги ҳақидаги маълумотларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги «Dunyo bo'yulab» телеканалининг «Экспедиция», «Сув ёқалаб», «Тафсилот» ва «Ўтмишга саёҳат» каби телекўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Dunyo bo'yulab» телеканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 16 июндаги 08-14-164-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатувлар томошабинларни ўрта асрлар Суғд тарихи, савдо йўллари, моддий ва маънавий маданиятига доир янги маълумотлар билан танишишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Диссертация натижалари 17 та илмий анжуман ва семинарлар, шу жумладан, 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференциялари ва 7 та ҳисобот сессияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 11 та мақола (хусусан, 7 та республика ва 4 та хориж журналларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 150 бет, унга 34 бетли иллюстратив материаллардан иборат альбом илова қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг мақсади, вазифалари, илмий янгилиги, амалий натижалари, амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Марказий Суғднинг табиий-географик ҳолати ва воҳада олиб борилган археологик тадқиқотлар тарихи»**, деб номланиб, икки параграфдан иборат. Унинг *«Марказий Суғднинг табиий-географик ҳолати ва сув ресурслари»*, деб номланган биринчи параграфда Зарафшон воҳасининг табиий-географик тузилиши, сув манбалари ва иқлим шароити ҳақида маълумотлар берилган. Ўрганилаётган ҳудудга табиий-географик⁸ маълумотлар ёзма манбаларда келтирилган географик маълумотлар билан таҳлил қилинган. Хусусан, Ҳудуд ул Олам, Ибн Ҳурдодбех, Ибн Ҳавқал, Истаҳрий, Муқаддасий, Ёқут каби ўрта аср мусулмон ёзма манбаларида Суғд ва унинг таркибига кирувчи маъмурий бирликларнинг табиий-географик, иқтисодий ва сиёсий аҳволи таҳлил қилинган. Мазкур манбаларда Суғднинг дарё, кўл ва ариқлари (каналлари) тилга олинган. Зарафшон дарёси кўпинча араб манбаларида Суғд дарёси деб юритилган. Манбаларда дарё бошланадиган Зарафшон тизмаси ал-Бутам тоғлари деб номланган. Унда Наҳр Барш, Наҳр Бормиш, Наҳр Башмин, Наҳр Иштихон, Наҳр ас-Синовоб, Наҳр Ғубор каби ариқлар эслатиб ўтилган. Ўрта аср муаллифлари Суғднинг рустоқларидан оқиб ўтувчи ариқларни шу рустоқ номи билан ҳам аташган⁹. Истаҳрий Суғднинг сув манбалари сероблиги билан ажралиб туриши ва улар Буттам, Ушрусана ва Самарқанд тоғларидаги қорлардан тўйинишини таъкидлаб ўтган¹⁰.

Маълумотлар таҳлили асосида Суғд табиатининг тоғли, тоғ олди ва пасттектисликлари, дашт ҳудудларидан иборат эканлиги ва бу ҳолат Суғд топографиясининг ўзига хослиги, рустоқларнинг ривожланиши ва мамлакат ҳаётида тутган ўрни айнан шу омиллар билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган. Шу билан бир қаторда ривожланган ўрта асрлар даврига оид тарихий-географик манбаларда тилга олинган тоғлар, дарёлар ва каналлар ўша даврдаёқ Самарқанд Суғдининг минтақадаги етакчи иқтисодий ва сиёсий мавқеини белгилаб берган асосий омиллардан бир бўлганлиги асослаб берилган.

⁸Sebastian S, Bernardo R, Mantellini S. Canals versus horses: political power in the oasis of Samarkand // World Archaeology, (2009),41:1 -P.73-87

⁹ Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал - ард / Араб тилидан ўзбек тилига Ш.С. Камолиддин таржимаси. - Тошкент, 2011. Б. 57-61

¹⁰ Истаҳрий. Китаб ал-масалик вал-мамалик (йўллар ва ўлкалар китоби) / Араб тилидан ўзбек тилига Р.Т. Худайбергенов таржимаси. - Тошкент, 2019. Б. 161

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи «*Мавзунинг археологик ўрганилиши тарихи ва бу борадаги муаммолар*» деб номланиб, унда Марказий Суғдда XIX асрнинг охирларидан ҳозирги кунларимизга қадар олиб борилган археологик қазилмалар ва қидирувлар натижалари баён этилган. Ушбу бобда XIX асрнинг охирларидан то ҳозирга қадар Марказий Суғднинг ўрта асрлар даври ёдгорликларининг ўрганилиш тарихи ва уларда олиб борилган археологик қазилмалар таҳлил қилинган.

Олиб борилган археологик қазилмалар ва қидирувларнинг натижалари ва уларнинг таҳлили асосида Марказий Суғд ҳудудидаги йирик шаҳарлар ва қишлоқларнинг фақат айримларидагина (Афросиёб, Дабусия, Робинжон) кенг кўламли комплекс тадқиқотлар олиб борилган. Қолган ҳудудларда эса кичик қазилмалар кўринишидаги изланишлар олиб борилиб, буларда кўпроқ шаҳар ёки қишлоқнинг хронологиясига, моддий маданиятига эътибор қаратилган. Хусусан, Марказий Суғднинг бош шаҳри Самарқанд (Афросиёб)да бир асрдан ортиқроқ вақт давомида олиб борилган тадқиқотлар, амалга оширилган муҳим илмий кашфиётлар, аксарият ҳолларда асосий тадқиқотларни мана шу ёдгорликда жамланишига, бошқа ёдгорликларга эса кам эътибор қаратилишига олиб келди. Бу ҳолат ўз навбатида Марказий Суғд шаҳарларининг нотекис тадқиқ этилишига сабаб бўлди. Бу эса нафақат воҳа шаҳарларининг тарихий топографияси, балки ҳудуднинг ўзини ҳам тарихий топографияси масалаларини нисбатан эътиборда четда қолишига сабаб бўлди.

Шу жиҳатдан ҳудуднинг бошқа шаҳарлари, масалан Қулдортепа, Иштихон, Челақ каби шаҳарлари, ўрта аср ёзма манбаларида тилга олинган бошқа кўплаб рустоқларнинг марказларида комплекс тадқиқотлар олиб борилмаганлиги, кейинги йиллар археологик изланишларида аниқланган кўплаб археологик ёдгорликларнинг ёзма манбалар асосида маълум бир шаҳар ёки шаҳарча, қишлоқ каби манзилгоҳлар билан локализация қилинмаганлиги асосий муаммолар сифатида кун тартибига қўйилди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Марказий Суғднинг пойтахт шаҳари ва унинг тарихий топографияси**», деб номланиб, бу боб икки параграфдан иборат. Унинг «Самарқанднинг ривожланган ўрта асрлар даври тарихий топографияси», деб номланган биринчи параграфида Афросиёб мисолида археологик ва ёзма манбаларининг илмий таҳлили асосида Афросиёбнинг мудофаа деворлари, суғориш тизимлари, кўчалари, ҳунармандчилик маҳаллалари, бозорлар, ҳаммомлар, масжид, мадрасалари ва қабристонларининг шаҳар бўйлаб жойлашуви таҳлил қилинган.

Мазкур бўлимда Афросиёб шаҳрининг шаклланиш даври, ундаги асосий қазилмаларнинг қисқача тавсифи давомида аниқланган кўплаб жамоат иншоотларининг шаҳар топографиясидаги ўрни каби масалаларга тўхталиб ўтилган. Марказий Суғднинг бош шаҳри бўлган Самарқанд-Афросиёб Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бўлиб, мил.авв. VIII асрдаёқ мудофаа девори билан ўраб олинганлиги таъкидланади. Мудофаа деворларини сақлаш доимий эътиборда бўлганлиги қайд этилди. Бу Қорахонийлар даврида ҳам

давом этган¹¹. Афросиёбнинг сув тизими ҳам муҳимдир. Сув Афросиёбга жануб томондан Оби-Машад ариғидан кирган ва ҳозирги Хўжайи Хизр масжидининг шимоли-шарқ томонида учга, яъни марказга, ғарбга ва шарққа бўлинган. Бундан ташқари Сиёб сойидан ариқ¹² чиқарилган ва қудуқлардан ҳам фойдаланилган¹³. Кўчалар ҳам шаҳарлар топографиясининг таркибий қисмидир. Афросиёбнинг Бухоро дарвозаси атрофидан турли даврларга оид кўчаларнинг еттита қатлами аниқланган. Қуйи қатламлардаги кўчалардан бири мил. авв. VIII асрга, юқори қатламдаги юзасига тош ётқизилган кўча эса IX-X ва XI-XIII асрлар бошларига оид бўлган¹⁴. Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатган ва Абу Хафс Насафий томонидан тилга олинган 36 та кўча номлари фанга маълум¹⁵. Шаҳарларнинг кўчаларга, маҳаллаларга бўлиниши жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Шундай ҳолат бронза даврига оид Сополлитепа ёдгорлигида кузатилган.¹⁶

А.Ю. Якубовский ёзма манбаларга асосланиб Мовароуннаҳр шаҳарларининг маҳаллалари касб ва хунарлар соҳалари бўйича бир-бирларидан ажралиб турганликларини, бу ҳолат мўғуллар истилоси давригача давом этганлигини тахмин қилган. О.Г. Большаков эса бу камдан-кам учрайдиган ҳолат деб ҳисоблаган¹⁷. Манбаларда Самарқанд шаҳристонида жойлашган ўндан ошиқ маҳаллалар ҳақида маълумот берилган. Самарқанд шаҳрида йирик марказий бозорлар мавжуд бўлган. В.В. Бартольднинг фикрича, шаҳарнинг бош бозори шаҳристонда эмас, балки унинг жанубий дарвозаси ёнида жойлашган. Шаҳристонда эса кичик бозор бўлиш керак¹⁸. Бозорларнинг ўрни археологик тадқиқотларда ҳам ўз тасдиғини топган. Исломгача Ўрта Осиё шаҳарларида диний ибодатхоналар қурилган. Бундай факт бронза даврининг тўнғич ёдгорлиги Жарқўтонда кузатилган¹⁹. Ўрта Осиёда ислом динига хос иншоотлар асосан Сомонийлар давридан бунёд этиб келинган. Ан-Насафийда Афросиёбда 15 та масжид, 5та мадраса ва 12 та қабристон номлари келтирилган²⁰. Афросиёбда ўтказилган археологик қазишмалар ва манбалар таҳлили шаҳарда хунармандчиликнинг кўплаб тармоқлари, шу жумладан кулолчилик, темирчилик, шишасозлик,

¹¹ Анарбоев А. XII асрнинг иккинчи ярми - XIII асрни биринчи чорагида Ахсикат ва Самарқанд мудрофаа истехкомлари // *O'zbekiston arxeologiyasi*. №1 (8). Самарқанд, 2014. Б. 70

¹²Буряков Ю.Ф. Некоторые материалы к исторической топографии шахристана Самарканда. // *Афрасиаб*. Вып. III. - Ташкент, 1974. С. 55.

¹³Анарбаев А.А. Благоустройства средневекового города Средней Азии. - Ташкент, 1981. С. 83

¹⁴Шишкина Г.В. Бухарские ворота средневекового Самарканда // *Афрасиаб*. Вып. IV. - Ташкент, 1975. С. 28-29; Шишкина Г.В. Северные ворота древнего Самарканда. // *История и культура народов Средней Азии (древность и средние века)*. - М., 1976. С. 102, 190.

¹⁵Камолиддин Ш. Новый источник по исторической геогрфии Средней Азии. Новейшие исследования сочинения "ал-Канд фи зикр 'улама' Самарканд" Абу Хафса ан-Насафи // *LAP LAMBERTA cademic Publishing*. Saarbruecken, 2014, -С.41-50

¹⁶Асқаров.А. Сапаллитепа. - Ташкент, 1973. С. 9.

¹⁷Большаков О.Г. Город в конце VIII - начале XIII вв. // *Средневековый город Средней Азии*. - Л. , 1973. С. 293.

¹⁸ Шишкин В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей. // *Афрасиаб*. Вып. I. - Ташкент, 1969. С.71.

¹⁹ Асқаров.А.А. Энг қадимий шаҳар. Тошкент, 2001. Б. 13-22

²⁰ Камолиддин Шамсиддин. Новый источник по исторической геогрфии Средней Азии. // *Новейшие исследования сочинения "ал-Канд фи зикр 'улама' Самарканд" Абу Хафса ан-Насафи*. LAP LAMBERTAcademicPublishing. Saarbruecken, 2014, -С.63

заргарлик, тўқимачилик, кўнчилик, дурадгорлик, кандакорлик, қоғоз ишлаб чиқариш каби йўналишлари тарқакқий этган. Афросиёбнинг ўзида ҳам қабристонлар мавжуд бўлганини археологик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Шаҳар ичидаги яна бир XII-XIII асрлар қабристон, ёдгорликнинг ғарбий қисмида аниқланган²¹.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи **“Марказий Суғд шаҳарларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида туган ўрни”** деб номланиб, унда Марказий Суғд шаҳар ва рустоқларининг минтақанинг умумий иқтисодий-сиёсий ва маданий тараққиётидаги аҳамияти очиб берилган.

Ривожланган ўрта асрларда Марказий Суғд рустоқлари ва шаҳарлари маълум маънода алоҳида ишлаб чиқариш тармоқлари, ўзининг маҳаллий иқтисодиётига эга бўлган. Бу анъана илк ўрта асрларда шаклланган конфедерациянинг акс садоси ҳам эди. Суғд ҳукмдорликларидаги мустақил танга зарби ва солиқ тизими, ҳар бир ҳукмдорликнинг ўз қўшинига эга бўлганлиги, конфедерация ҳукмдорларининг ягона хонадонга мансублиги, маъмурий бирликларнинг мустақил давлат бошқарувига эгаллиги, Суғднинг мустақил ташқи алоқалари каби мисоллар тасдиқлайди²². Суғд ҳудудлари IX-XIII асрлар бошларида Сомонийлар ва Қорахонийлар давлатлари таркибида бўлсада, минтақадаги рустоқлар ва уларнинг марказлари маълум маънода Самарқанд атрофида тўпланган кичик-кичик иқтисодий таянч қишлоқлари ҳисобланган.

Марказий Суғдни ўраб турган тоғлардаги конлар, ёввойи табиат, Зарафшон водийсининг унумдор ерлари, у ерларда очилган олтин, кумуш, кўрғошин, симоб конлари ва Нурота мраммлари Самарқанд Суғдининг иқтисодий жиҳатдан юксак даражада ривожланишида муҳим омиллар бўлган. Ривожланган ўрта асрларда Самарқанд, унинг атрофида қад кўтарган шаҳар ва қишлоқлар ҳам ўзининг маданий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий мавқеини йўқотмаган. Марказий Суғддаги бу юксакликлар Сомонийлар даврида бошланган бўлса, мазкур жараёнлар Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар даврида янада ривожланди. Археологик маълумотларга кўра, XI-XII асрларда Мовароуннаҳр шаҳарлари IX-X асрларга нисбатан анча тез ўсди. Шаҳарларнинг иқтисодий базаси ва савдо-сотик ҳам кучайди. Сомонийлар даврида ҳали шаҳарлар аграр характерида бўлса, Қорахонийлар даврига келганда шаҳарлар маҳсулот ишлаб чиқаришда товар характеридаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтди.

Диссертациянинг навбатдаги учинчи боби **“Марказий Суғднинг ривожланган ўрта асрлар даври рустоқлари, уларнинг жойлашиш географияси ва локализацияси”** деб аталиб, унда Марказий Суғдда жойлашган рустоқлар ва рустоқ марказлари ёзма ва археологик тадқиқотлар асосида локализацияси ҳақида маълумотлар берилган. Марказий Суғдда

²¹ Саидов М., Нормуродов Д., Очилов Ш. Афросиёб ёдгорлигида амалга оширилган қазилма ишлари // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2018-2019 йиллар. 12-сон. - Самарқанд, 2020. Б. 284.

²² Ғойибов. Б.С. Суғд конфедерациясининг шаклланиши, тараққиёти ва таназзули. Тарих фанлари бўйича докторлик (dsc) диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2014. Б. 14

ўтказилган археологик изланишлар ва араб муаррихларининг маълумотларига кўра 12 та рустоқлар бўлган.

Ушбу бобда ёзма манбаларда учрайдиган кўплаб рустоқлар локализацияси хусусида янги маълумотлар ва фикрлар илгари сурилган. **Боркат ёки Аборкат шаҳри** Бузмажон рустоқининг бош шаҳри сифатида фаолият кўрсатган. У ҳозирги Булунғур туманига қарашли Оқтепа-Митан қишлоғидаги йирик археологик ёдгорлик Оқтепа ўрнида бўлган.

Кабуданжакат шаҳри. Кабуданжакет рустоқи ҳудудини ҳозирги Жомбой тумани, хусусан унинг Ғўбдин тоғигача бўлган ҳудудига жойлаштириш мумкин. Рустоқнинг марказий шаҳри Кабуданжакат Жомбой туманидаги Ғазира ва Қорапичоқ қишлоқларидан жануби-шарқда жойлашган улкан ёдгорлик Мингтепа ўрнида бўлган²³.

Видор шаҳри Самарқанд вилояти Пайариқ тумани ҳудудида жойлашган қадимий Челак шаҳри билан локализация қилинган²⁴.

Соғарж шаҳри бизгача Иштихон туманига қарашли Қулжомон қишлоқлари оралиғида жойлашган йирик археологик ёдгорлик Соғиштепа (Арктепа) сифатида етиб келган. Диссертацияда ушбу ёдгорликнинг мураккаб тарҳи биринчи марта тақдим этилмоқда ва бу тарҳ ёдгорликнинг тарихий топографияси тўғрисида аниқ маълумот беради.

Марзбон шаҳри ҳозирги кунда Иштихон тумани Орлат қишлоғи яқинидаги Қулчора қишлоғидан шимолий-ғарб томонда, Тўсинсойнинг ирмоғи бўлмиш Сағаноқсойдан 200 м жанубда жойлашган. Диссертацияда Марзбон ибн Тургаш шаҳрининг маркази сифатида бу ҳудудда жойлашган Қўрғонтепа кўрсатиб ўтилган.

Ҳазора Жўш шаҳри. Ўрта асрлар ёзма манбаларида Ҳазора Жўш номи билан тилга олинган йирик аҳоли манзили номи ҳозирги кунларгача Жўш номи билан етиб келганлиги боис, Жўш қишлоғининг шарқий қисмида жойлашган йирик ёдгорлик Бекқўрғонтепани Ҳазора Жўш шаҳри билан локализация қилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Диссертацияда ушбу шаҳар Суғднинг йирик металлургия маркази сифатида талқин қилинмоқда.

Чуяқўрғоннинг тарихий топографияси. У ҳозирда Навоий вилояти Нурота туманидаги Чуя қишлоғида жойлашган. У ерда икки ёдгорлик бор. Биринчи ёдгорликнинг умумий тарҳи ва унинг деворлари бўйлаб жойлашган қурилмалар излари Чуяқўрғонга карвонсарой кўринишини беради. Иккинчи ёдгорлик 4 га майдонга тенг ўрта асрларнинг кичик шаҳридир. Диссертацияда Чуяқўрғон ёдгорликлари Самарқанд-Нурота йўлидаги манзиллардан бири сифатида талқин қилинмоқда.

Иштихон шаҳри. Ҳозирги Иштихон шаҳри Самарқанднинг қадимий ўрни Афросиёбдан 54-55 км масофада жойлашган. Ўрта аср Иштихони ҳозирги Иштихон шаҳри яқинидаги Иштихонтепа ўрнида жойлашган.

²³ Ахунбабаев Х.Г. Древний Кабуданжакет (к вопросу локализации, генезиса и этапов развития раннефеодальных владений и средневековых рустаков Самаркандского Согда) // Археология Средней Азии. Тезисы докладов. - Ташкент, 1990. С. 26-28

²⁴ Раимкулов А.А. Катта Суғд-Суғдиёна. - Тошкент, 2017. Б. 55.

Қулдортепа шаҳри ҳозирги кунда Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Бахрин қишлоғи яқинида жойлашган. Диссертацияда бу ёдгорлик Маймурғ рустоқининг марказий шаҳри сифатида талқин қилинмоқда.

Афарункет шаҳрининг бизнинг кунларгача етиб келган харобалари бўлмиш Қўштепа (Примкенттепа) ҳозирги кунда Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Примкент қишлоғи ҳудудида жойлашган. Диссертацияда биринчи марта бу ёдгорликнинг топографик тарҳи қоғозга туширилган ҳолда берилмоқда.

Зармон шаҳри ёзма манбалар маълумотларига тўғри келадиган, йирик қишлоқ ёки шаҳарча Зармон шаҳрининг харобалари Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Чимбой қишлоғидан 1-1,5 км шимол томонда Қорадарёнинг чап соҳилида йирик ўрта аср ёдгорлиги Чимбойтепа (Қоравултепа) бўлиши эҳтимолга яқин.

Робинжон шаҳри Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридан 13 км ғарбда, Нарпай канали соҳилида жойлашган йирик археологик ёдгорлик Оромижонтепа ўрнида бўлган²⁵. Диссертацияда Робинжон шаҳри биринчи марта ўзи жойлашган ҳудуднинг марказий шаҳри сифатида талқин қилинмоқда.

Добусия шаҳри ҳозирги кунда Самарқанд вилояти Пахтачи тумани ҳудудида, Самарқанд-Бухоро автомобил трассасидан 4 км масофада, Добусқалъа қишлоғининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган. Диссертацияда Добусия шаҳри тўғрисидаги ёзма манбалар маълумотлари кейинги йилларда олиб борилган археологик манбалар талқинида тақдим этилмоқда²⁶.

Варақсар рустоқи Зарафшон дарёсининг сўл қирғоғидаги ҳудудларни эгаллаб, унинг ҳудуди ҳозирги Равотхўжа тўғонидан Тайлоқ қишлоқларигача, Дарғом канали ва Зарафшон дарёси оралиғидаги ҳудудда бўлган. Унинг маркази эса ҳозирги Равотхўжа қишлоғининг ўрнида ўрта асрларга мансуб йирик қишлоқ харобалари бўлган.

Шавдор рустоқи ҳозирги Самарқанд вилояти Ургут туманининг тоғли ва тоғ олди ҳудудларига тўғри келади. Рустоқнинг Ургут шаҳрининг ғарбида жойлашгани, маркази ҳозирда ҳам Андак номи билан аталган маҳалла ўрнида бўлиши мумкин²⁷.

Санжарфағн рустоқи Самарқанднинг жанубидаги ҳудудда бўлиб, бу рустоқ тахминан Дарғом канали билан Самарқанд шаҳри оралиғидаги кичикроқ ҳудудда жойлашган. Рустоқ кичикроқ бўлганлиги учун у айрим даврларда Маймурғ рустоқи ҳудудига ҳам кирган. Бизнингча, Тали Борзу ёдгорлиги мана шу рустоқнинг маркази бўлган шаҳарнинг бизнинг кунларгача етиб келган харобалари эканлиги ҳақиқатга яқин. Диссертацияда

²⁵ Адылов Ш.Т., Мирзаахмедов Д.К. Новые материалы к изучению рустака Файй. // ИМКУ, вып.27, Ташкент, 1996,-С.128-129

²⁶ Уно Такао, А. Бердимуродов, Г. Богомолов, К. Рахимов ва бошқалар. Кала-и-Дабусия «Согдийский город на Великом Шелковом Пути. // Научные исследования городского центра Средней Азии»Издательство. “Синёся”. Киота, Япония 2013. -С. 57-59

²⁷ Сандибев А.Н. Маймурғ илк ўрта асрларда.- Самарқанд, 2021. Б.13-14;

ушбу рустокнинг географик жойлашуви ва чегаралари тўғрисида биринчи марта фикр билдирилмоқда.

Дарғом рустоқи Самарқанднинг жануби-ғарбий ва ғарбий ҳудудларига, ҳозирги Пастдарғом тумани ҳудудларига жойлаштириш мумкин. Рустокнинг бош шаҳри ёзма манбаларда тилга олинган шаҳар Зармон шаҳри бўлиши мумкин. Диссертацияда Чимбойобод шимолида, қишлоқдан 500-600 м масофада жойлашган, лекин археологларга ҳам номаълум бўлиб келган Қоравултепа деб номланган Зармон шаҳрининг харобалари сифатида биринчи марта талқин қилинмоқда. Ҳозирги Жума шаҳридан шарқ томонда жойлашган йирик ёдгорлик Дўрмонтепа ҳам бу рустокнинг йирик шаҳарларидан бири ёки унинг маркази бўлиши ҳам мумкин.

Абгор. Абгор рустоқини эса эски Дарғом каналидан жанубдаги ҳудудларга, Жом қишлоғига, ҳозирги Нуробод тумани ҳудудига жойлаштириш мумкин. Диссертацияда биринчи марта Абгор рустоқининг чегаралари тўғрисида маълумот беришга ҳаракат қилинди.

Бурнамад. Бурнамад рустоқининг ҳудуди тахминан ҳозирги Бахмал тумани ҳудудига ва Ғаллаорол туманининг жанубий ҳудудларига тўғри келади. Бурнамад рустоқининг маркази бўлган йирик Бурнамад қишлоғи ҳозирги Бахмал тумани Тангатоьди қишлоғининг шимол томонида, тоғ олди ва дашт мавзеи чегарасида жойлашган.

Ёркет рустоқи Ёркат рустоқи эса Бурнамаднинг шимолидаги, Нурота тоғ тизмаларининг Жиззах, Қўйтош қисмининг ғарбий этакларидан Ғўбдин ва Қароқчитоғга бўлган ҳудудни эгаллаган. Бу русток ҳудудида ҳозирги Ғаллаорол тумани жойлашган. Диссертация альбомида биринчи марта бу рустокнинг жойлашган ўрни ва чегаралари кўрсатиб ўтилмоқда.

Илмий ишнинг тўртинчи боби **“Марказий Суғднинг тарихий топографиясида мудофаа иншоотлари ва савдо йўллариининг ўрни”**, деб номланган ва унда Самарқанд Суғди ҳудудидаги мудофаа иншоотлари ва аҳоли пунктларининг локализацияси, бу борадаги янгича тадқиқот натижалари умумлаштирилган. Жумладан, Суғднинг темир дарвозалари Самарқанд ва Жиззах оралиғида, Нурота тоғларининг жанубий-шарқий қисмидаги Илонўтти дарасидаги «Темир дарвоза» лари ҳамда Марказий Суғдда жойлашган воҳа девори-Канпир девор таърифи берилган. Биз ушбу тадқиқотлар асосида Канпир деворни Марказий Суғд ўрта асрлар даври тарихий топографиясининг ажралмас қисми сифатида, унинг қурилган даври бўйича қўшимча фикрларни билдирдик.

Шу билан бир қаторда бобда **Марказий Суғднинг манбаларда номлари келтирилган шаҳар ва қишлоқлари локализацияси масалалари кўтарилган.** Зарафшон воҳасидаги шаҳарлар ва қишлоқлар тўғрисида бошқа муаллифларга қараганда муфассалроқ маълумотлар берган Ёкут ал-Ҳамавий, ас-Сам’оний ва Абу Хафс ан-Насафийларнинг маълумотлари асосида 90 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқларнинг локализацияси берилган. Ёзма манбаларда тилга олинган бир нечта шаҳарлар ва қишлоқлар тарихчилар, шарқшунослар ва манбашунослар томонидан маълум йирик археологик ёдгорликлар билан локализация қилинган. Ундан ташқари яна бир нечта йирик шаҳарлар ва

қишлоқлар мавжуд бўлгани ҳолда, улар бирон-бир археологик ёдгорлик билан локализация қилинмаган. Бу шаҳарлар жумласига Иштихон тумани Орлат қишлоғида жойлашган йирик шаҳар харобаси Қўрғонтепа, Қўшработ тумани Жўш қишлоғи атрофидаги Бекқўрғонтепа, Пастдарғом тумани Чимбойобод қишлоғи яқинидаги Чимбойтепа (Қўрғонтепа) ларни киритиш мумкин. Булардан Қўрғонтепа ўрта асрларга етиб келмасдан ўз фаолиятини тўхтатган бўлиши мумкин. Шунингдек бу шаҳар ёдгорликлари ўрта аср географ сайёҳлари асарларида тилга олинган бир неча ўнлаб қишлоқлар қаторида тилга олинган бўлиши ҳам мумкин.

Яна шу каби кўплаб манбаларда келтирилган жой номлари мавжуд бўлиб, улар қайси ҳудудда жойлашганлиги тўғрисида ҳеч қандай фикрлар билдирилмаган. Биз шундан келиб чиқиб Ёқут ал-Ҳамавий, ас-Сам'оний ва Абу Хафс ан-Насафийларнинг асарларида келтириб ўтилган кўплаб шаҳар ва қишлоқларнинг қаерда жойлашганлигига аниқлик киритишга ҳаракат қилдик. Бунда учинчи бобда ёритилган рустоқлар ва шаҳарлар ҳам келтирилгани ҳолда, қолган номларнинг барчаси янгитдан уларнинг тахминий жойлашув ўрнига аниқлик киритилган.

Қисқача хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, диссертация ишида тадқиқот остига олинган Марказий Суғднинг ўрта асрлар даври шаҳарлари бўлмиш Боркат (Аборкат), Кабуданжакат, Видор, Соғарж, Марзбон, Иштихон, Робинжон, Кушония, Добусия, Зармон каби шаҳарлари аксарият ҳолларда шу номлар билан аталган рустоқларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маъмурий марказлари сифатида фаолият кўрсатганлар. Бу рустоқлар ва уларнинг марказлари бўлган шаҳарларнинг локализация масалалари билан бизгача ҳам мутахассислар шуғулланганлар. Ю.Ф. Буряков Соғарж шаҳрини Пайариқ ва Иштихон туманлари чегарасида жойлашган Арктепа (Соғиштепа) билан локализация қилган. Яна бир археолог олим Ҳ.Ғ. Ахунбобоев эса Боркат шаҳрини Булунғур тумани ҳудудидаги Оқтепа-Митан ёдгорлиги билан, Кабуданжакат шаҳрини эса Булунғур тумани Мингтепа массивида жойлашган Қўрғонтепа ёдгорлиги билан, Жом қишлоғида жойлашган Каттатепани эса ат-Табарий томонидан айtilган, араблар томонидан ёндириб юборилган қишлоқ-Мухтариқа (ёндирилган) билан локализация қилган.

Марказий Суғд шаҳарлари локализацияси билан А.А. Раимқулов ҳам шуғулланган бўлиб, ёзма манбаларда тилга олинган Видор шаҳри Пайариқ тумани Челак шаҳри ҳудудида жойлашган ёдгорлик Челак кўрғони билан, Марзбон шаҳри эса Иштихон тумани Орлат қишлоғида жойлашган Қўрғонтепа билан локализация қилган. Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар даврида Хазора Жўш шаҳридан Нуротага боришдага яна бир манзил-Чуяқўрғон ёдгорлиги топилди ва биринчи марта фанга киритилди.

Иккинчи параграф “Марказий Суғд Буюк Ипак йўлида”, деб аталган. Марказий Суғдда ўрта асрларда фаолият юритган савдо йўллари асосан аҳоли гавжум шаҳарлар, рустоқлар орқали ўтган ва шу жойлардаги маълум бир маҳсулотни сотиш, сотиб олиш ёки айирбошлашга ихтисослашган бозорларни бир-бирига ўзаро боғлаб турган. Илмий ишда ёзма ва археологик

манбаларнинг таҳлили асосида Марказий Суғдда қуйидаги ички йўл тармоқлари мавжудлиги таъкидланган.

Булар; **Самарқанд-Бухоро йўли (Исбискат орқали)**. Буюк Ипак йўлининг йирик тармоқларидан бўлган бу йўл турлича номлар билан, жумладан “Катта Хуросон йўли”, “Шоҳ йўли” (Шоҳ-роҳ), деб ҳам аталган. Бу йўлнинг узунлиги, яъни Самарқанддан Бухорогача бўлган масофа 37 ёки 39 фарсахни ташкил этгани ҳолда 6 ёки 7 кунлик йўл бўлган.

Самарқанд-Бухоро йўли (Иштихон орқали). Самарқанддан Офаринкентгача бўлган масофа 38 км. ни ташкил этади. Офаринкентдан кейинги манзил Иштихон бўлиб унгача масофа 15 км. ни ташкил этади. Иштихондан кейинги манзил Кушония эса 4 фарсах масофада жойлашган.

Самарқанд-“Суғднинг Шимолий темир дарвозаси” йўли. Бу йўл шимолга қараб йўналган ва Видоргача 4 фарсах. Кейинги манзил эса Қўрғонтепа бўлиб, у Видордан 24 км масофада жойлашган. Қўрғонтепага тўғри бориш ҳам, Соғарж орқали бориш ҳам мумкин бўлган. Қўрғонтепадан кейинги манзил Навқатқўрғон бўлиб, Қўрғонтепадан унгача бўлган масофа 25 км.ни ташкил этган. Кейинги манзил Ҳазора Жўш (Бекқўрғонтепа) бўлиб, унгача масофа 25 км.ни ташкил этади. Ҳазора Жўшда йўл иккига ажралган, битта йўл тўғри ғарбга, Нурота шаҳри томонга кетган бўлса, иккинчи йўл шимолга бурилиб «Суғднинг Шимолий темир дарвозаси»га олиб борган. Бекқўрғонтепадан «Суғднинг Шимолий темир дарвозаси»гача бўлган масофа 32-35 км.

Боркат-Иштихон йўли. Зомин-Бурнамад-Хушуфағндан келган йўл Боркат шаҳрида иккига ажралган. Биринчи йўл тўғри ғарбга 24 км масофадаги Самарқандга кетган бўлса, иккинчи йўл шимоли-ғарбга бурилиб Кабуданжакет (Қўрғонтепа)-Видор (Челак)-Соғарж орқали Иштихонга етиб борган.

